

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 334.75(575.1)*

НАЗАРОВА ШАХНОЗА УЗОҚБОЙ ҚИЗИ

**РАҚОБАТ СИЁСАТИ ВА ТАШҚИ САВДОНИ
ЭРКИНЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ**
(Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги
материаллари асосида)

**5A230102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича**

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
доц. М.Ю. Исаков**

Тошкент – 2018


Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилди: ташки савдо компанияларининг рақобатбардошлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси ташки савдо динамикасининг асосий кўрсаткичлари тахлили, мамлакат ташки савдо айланмасида экспорт ва импорт таркибини диверсификация қилиш жиҳатлари, халқаро савдо фаолиятини ривожлантириш ва уни тартибга солиш йўналишлари, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви орқали ташки савдони ривожлантиришнинг асосий йўналишлари атрофлича тахлил қилинган.

The following major issues were solved in the dissertation: the competitiveness and specifics of foreign trade companies, the analysis of main indicators of foreign trade dynamics of the Republic of Uzbekistan, aspects of export and import diversification in the foreign trade turnover, directions of development and regulation of international trade, the main directions of foreign trade development through the integration of the world economy.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида
дастлабки

«21» май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.Исаков


имзо сана

Магистр: Ш.У. Назарова


имзо сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муздир, доц. И.Хотамов

“21” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “25” май соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
I БОБ.	Ўзбекистон Республикасида рақобат сиёсати ва ташқи савдони эркинлаштиришнинг назарий–услубий асослари.....	10
1.1.	Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги тушунчаси, моҳияти ва уни таъминлаш шартлари.....	10
1.2.	Ташқи савдо компанияларининг рақобатбардошлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	22
1.3.	Ташқи савдони тартибга солишнинг замонавий усуллари	32
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	42
II БОБ.	Ўзбекистон Республикасида рақобат сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони эркинлаштириш ҳолати таҳлили.....	44
2.1.	Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо динамикасининг асосий кўрсаткичлари таҳлили.....	44
2.2.	Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт таркибини диверсификация қилиш таҳлили.....	52
2.3.	Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишининг таҳлили.....	61
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	68
III БОБ.	Ўзбекистон Республикаси рақобатбардошлигини ошириш ва ташқи савдони эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари.....	70
3.1.	Халқаро савдо фаолияти ривожлантириш ва уни тартибга солиш йўналишлари.....	70
3.2.	Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви орқали ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	82
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	89
	Хулоса	90
	Адабиётлар руйхати.....	93

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ташқи иқтисодий омилнинг кучайиши амалга оширилаётган бозор ўзгаришлари, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти, ички бозорнинг ташқи бозор билан ҳамкорлигининг шаклланаётган бутунлай янги асослари талабларидан келиб чиқади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Бунда бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик турда бўлиб, яққаланиш ва бирлик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу борада биз Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттирамиз”.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.